

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛЛАРГА РИОЯ ЭТИШИНИНГ АҲАМИЯТЛАРИ

Куконбоев Хислатжон Мухторович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят-процессда процессуал шаклларнинг аҳамияти моддий ва процессуал жиҳатлари таҳлил қилинган. Жиноят процессда жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга оширишда процессуал шаклларга риоя этилишининг ўзига хос хусусиятлари миллий қонунчилик ҳужжатлари асосида назарий ва амалий жиҳатдан ёритилган. Шу билан бирга, мазкур соҳага оид назарий олимлар, тажрибали амалиётчи ходимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноят процесси, жиноят-процессуал шакл, суд ҳокимияти, жамият ва давлат манфаатлари, суд ҳужжатлари, тергов ҳаракатлари, жиноят процесси субъектлари, процедура, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов.

ЗНАЧЕНИЕ СОБЛЮДЕНИЯ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ ФОРМ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Куконбоев Хислатжон Мухторович

Независимый научный сотрудник Высшей школы судей при

Верховном Совете судей Республики Узбекистан

Аннотация: В статье анализируются материальные и процессуальные аспекты значения процессуальных форм в уголовном процессе. На основе национального законодательства теоретически и практически обоснованы особенности соблюдения процессуальных форм при осуществлении уголовно-процессуальных действий в уголовном процессе. При этом были проанализированы мнения и комментарии ученых-теоретиков и опытных практиков в данной области.

Ключевые слова: уголовный процесс, уголовно-процессуальная форма, судебная власть, интересы общества и государства, судебные документы, следственные действия, субъекты уголовного судопроизводства, процедура, доследственная проверка, дознание, предварительное расследование.

THE IMPORTANCE OF COMPLIANCE WITH PROCEDURAL FORMS IN THE CRIMINAL PROCESS

Kukonboyev Khislatjon Muxtorovich

Independent researcher Higher School of Judges under the
Supreme of Judges the Republic of Uzbekistan

Abstract: This article analyzes the material and procedural aspects of the importance of procedural forms in criminal proceedings. The specific features of compliance with procedural forms in criminal proceedings are theoretically and practically explained on the basis of national legislative documents. At the same time, the opinions and comments of theoretical scientists and experienced practitioners in this field are analyzed.

Keywords: criminal proceedings, criminal procedural form, judicial power, interests of society and the state, judicial documents, investigative actions, subjects of criminal proceedings, procedure, pre-investigation inspection, inquiry, preliminary investigation.

Дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат муҳофазасини таъминлашда жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда олдини олиш муҳим глобал муаммога айланмоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддасига кўра, жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очик суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир. Ҳеч ким,

содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуқларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки фаолиятсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас [1].

Жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдорларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришнинг кафолати ҳисобланиб, бунда тергов ва суд ишларини юритишда қонунчиликда белгиланган процессуал шаклларга амал қилиш лозим.

Айниқса, замонавий юриспруденция талаблари асосида ишни судга қадар юритиш босқичида (терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов) ҳамда суд босқичида процессуал шаклларга риоя этиш ҳамда уларни соддалаштириш лозим. Чунки процессуал шаклларга риоя этилмаслиги ҳамда нотўғри талқин этилиши, уларни қўллашда айрим муаммоларни юзага келтирмоқда.

Шу муносабат билан, суд-тергов амалиётида процессуал шакл ва унга риоя этишда айрим муаммолар мавжудлиги нуқтаи назаридан уларни аниқлаш ва бу борадаги амалиёт материалларини пухта таҳлил қилиш орқали жиноят-процессуал қонунини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга.

Бизга маълумки, “жиноят процессуал шакл” тушунчаси ҳуқуқий нуқтаи назардан жиноят процессуал фаолиятнинг мазмуни ва шакли ўртасидаги жараёнларни тавсифловчи муҳим категория ҳисобланиб, жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида процессуал шакллар ва уларга риоя этиш ўзининг долзарблигини йўқотмаган. Процессуал шакл орқали жиноят-процессининг вазифалари ва функциялари, процессуал ҳаракатларни амалга оширилади.

Жиноят процессуал шакл – жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга ошириш шартлари, кетма-кетлиги ва изчиллиги, уларни расмийлаштириш тартибини аниқ ва батафсил тартибга солувчи, яъни муайян процессуал муносабатларни юзага келтириш, ўзгартириш ёки тугатишнинг қатъий шартларидан иборат [2] бўлиб, жиноят ишларини юритишнинг процессуал қонунчиликлда белгиланган тартибда амалга ошириш механизмлари тизимидир. Жиноят процессуал шаклнинг аҳамиятли жиҳати унинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги ҳисобланади.

“Процессуал шакл” ва “жиноят процессуал шакл” тушунчалари юридик фанда кенг қўлланилади, бироқ олимлар орасида ушбу тушунчага ягона таъриф ва ёндашув мавжуд эмас. Жумладан, З.Ф.Иноғомжонованинг фикрича, “жиноят ишлари бўйича процессуал шакл – жиноят процессуал қонунчилиги нормалари билан тартибга солинадиган, жиноят процесси субъектлари фаолиятини юзага келтирадиган муносабатларнинг тизимидан иборат” [3].

Жиноят-процессуал шакл – жиноят процессининг ўзига хослигини кўрсатиб турувчи, уни амалга ошириш жараёнида кенг қўлланиладиган, процесс иштирокчилари орасида юзага келаётган жиноят-процессуал муносабатларни аниқ ва батафсил белгиланган тизимга солувчи талаблар мажмуидир [4].

Ўз навбатида рус олими Ю.А.Ивановнинг фикрига кўра “процессуал шакл”ни жиноят процессуал институтларининг тизими ва тузилмаси, қоидалари, тартиби ва жиноят ишини юритиш босқичларининг кетма-кетлиги, процессуал ҳаракатларни, шу жумладан, тўплаш ва текширишга қаратилган тергов ҳаракатларини амалга ошириш шартлари, усуллари ва муддатларини белгиловчи ҳамда далиллар, уларни тегишли процессуал ҳужжатларда процессуал бирлаштириш тартиби, шунингдек, алоҳида масалалар бўйича ва умуман иш бўйича қарорлар қабул қилиш ва расмийлаштириш

тартиби [5] ҳисобланади. В.М.Горшенев эса, Ю.А. Ивановнинг фикрларини янада аниқлаштириб, процессуал шаклни бир ҳил процессуал талаблар йиғиндиси сифатида тушуниб, у айни пайтда маълум таркибий қисмлардан ташкил топган (1. босқичлар; 2. процессуал иш юритиш; 3. процессуал режим) ҳуқуқий тузилмадир [6] деган хулосага келган. Бундан ташқари, рус олими В. Григорьев “жиноят-процессуал шакл деганда, жиноий процессуал қонунда мустаҳкамланган бутун жиноий жараённинг тузилиши ва унинг алоҳида босқичлари, процессуал ҳаракатларни бажариш шартлари, кетма-кетлиги, тартибини белгилаш тушунилади” [7] деган хулосага келган.

Шундай қилиб, юқоридаги олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан кўринадики, “жиноят процессуал шакл” мураккаб ва кенг қамровли тушунча бўлиб, қонунийлик, тизимлилик, субъектлилик, мажбурият ва бошқа муҳим элементлардан иборат бўлади.

жиноят процессининг шакли ҳақидаги тушунчалар ҳам турли фикр ва қарашлар билан қоришиб кетган. Жумладан, айрим адабиётларда жиноят процессининг шакли – “жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунда ўрнатилган тартиби” деган маънони англатса, бошқа бир манбаларда жиноят-процессуал меъёрларда кўзда тутилган субъектларнинг ҳуққи, учинчисида жиноят-процессуал муносабатлар, бошқасида жиноят-процессуал фаолиятнинг тартиби, яна бирида жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг шартлари ёки жиноят процесси шартларининг тузилиши ва ҳаракатлар тартиби, юридик ҳамда процессуал процедуралар йиғиндиси деган маъноларда қўлланилади [8].

Жиноят процессининг шакли ҳақиқидаги бундай хилма-хил тушунчаларнинг мавжудлиги, ўйлашимизча, умумий ҳуқуқдаги, жиноят-процессуал ҳуқуқдаги айрим категорияларнинг чалкаштириб

юборилиши ҳамда бир-биридан ажратган ҳолда таҳлил қилиниши натижасида вужудга келган.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳамда фуқароларнинг жиноят ишини юритишдаги хатти-ҳаракатларининг жиноят-процессуал меъёрларда назарда тутилган тартибда амалга оширилиши бевосита процессуал шакл ҳисобланади.

“Жиноят процессуал шакл” тушунчасига “жиноят процесси субъектлари томонидан процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби, шартлари, кетма-кетлиги ва бошқа аҳамиятли жиҳатларини процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш тартибини белгиловчи жараён ёки механизмлар мажмуи” деган таъриф беришимиз мумкин.

“Жиноят процессуал шакл” тушунчасига “жиноят процесси субъектлари томонидан процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби, шартлари, кетма-кетлиги ва бошқа аҳамиятли жиҳатларини процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш тартибини белгиловчи жараён ёки механизмлар мажмуи” деган таъриф беришимиз мумкин.

Шу билан бирга, жиноят-процессининг умумий-ижтимоий ва махсус-соҳавий мақсадларидан келиб чиқиб, жиноят-процессуал шаклнинг аҳамиятини қуйидагича баён этамиз:

➤ ишни судга қадар юритиш ва суд босқичидаги процессуал ҳаракатларнинг қонуний амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилиб, амалдаги қонунчиликда қатъий ва аниқ бўлган процессуал шаклнинг белгиланганлиги, жиноят ишини терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ёки судда юритишни фақат жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиб ва қоидаларда амалга оширилишини таъминлайди;

➤ жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва ишнинг якуни юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилинишини таъминлайди. Ҳар қандай жиноят иши юзасидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг энг асосий мақсади жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир;

➤ фуқароларнинг ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди. Жиноят процесси жиноят иши бўйича жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи қафолатларга тизимига эга. Жиноят-процессуал ҳуқуқнинг қўриқлов функцияси фуқароларга ҳуқуқ ва манфаатларини бевосита ўзлари ҳимоя қилишлари учун шароит яратиш ҳамда жиноят процессини юритувчи субъектлари зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мажбуриятини юклаш орқали, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни назарда тутди;

➤ жиноят процесси тамойилларига риоя қилиш шартларини таъминлашга хизмат қилади;

➤ жиноят процесси фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари фаолиятинининг ҳуқуқий асосларини белгилайди;

➤ фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга хизмат қиладиган суд ишларини юритишнинг барқарорлиги ва бир хиллигини яратишга хизмат қилади;

➤ ҳар қандай жиноят ишида ҳақиқатга эришилишини бирдек таъминлашга ҳамда ҳуқуқий муносабатларга изчиллик ва мантиқий кетма-кетликда амалга оширилишини таъминлайди;

➤ жиноят ишини қўзғатишдан то жазони ижро этишгача бўлган процессларнинг ягона механизмининг шаклланишига сабаб бўлади;

➤ жиноят процесси принциплари билан узвий боғлиқ бўлиб, процесс иштирокчилари томонидан умумий тартибда жиноят процессуал ҳуқуқи тамойилларидан четга чиқмасдан амалга оширишни тақозо этади.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, жиноят-процессуал шакл жиноят суд ишларни юритишда ўрнатилган қатъий тартиб ва қоидаларни ифодалайди. Жиноят-процессуал шаклга оид муаммолар, бугунги кунда ҳам долзарб процессуал назарий масала ҳисобланиб, унинг илмий ва амалий аҳамияти, жамиятга жиноят процессидан қўзланган бирламчи мақсадга, яъни иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишга эришишнинг асоси ҳамда мақсадга мувофиқ шаклни англаш, танлаш ва жорий этиш имконини яратиши билан белгиланади.

Шунингдек, жиноят-процессуал шакл ҳақидаги назарий қарашлар баҳсли бўлиб, ундаги кўпгина концептуал ёндошувлар, жиноят процессининг ижтимоий функциясига тўлиқ мос келмайди. Чунки, унинг ўзига хос хусусиятини ижтимоий субъектларнинг зиддиятли муносабатларини ҳал этиш тушунчаси ташкил этиб, бундай ҳолатда, фақат жиноят-процессуал функцияларгина – жиноят-процессуал шаклнинг ягона асоси сифатида қабул қилиниши мумкин.

Шу билан бирга, жиноят-процессуал шакл – терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳамда фуқароларнинг жиноят ишини юритишдаги хатти-ҳаракатларининг жиноят-процессуал меъёрларда назарда тутилган тартибда амалга оширилишини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган.
<https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.
2. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси // - Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. -8-бет.
3. Жиноят процесси: (Махсус қисм): Юридик олий ўқув юртлари ва университетларининг юридик ва факултетлари учун талабалари учун дарслик (З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида). -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 359 бет.
4. Миразов Д. М. Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш концепциясини тайёрлашда процессуал функцияларнинг мужассамлашувини ҳисобга олиш зарурлиги. // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 2. 11.
5. Иванов Ю. А. Качественные особенности процессуальной формы уголовного судопроизводства // Курс советского уголовного процесса. Общая часть / под ред. А. Д. Бойкова, И. И. Карпеца. М., 1989.
6. Горшенев В. М. Теория юридического процесса. Харьков, 1985.
7. Григорьев, Виктор Н. 2018. «Уголовно-процессуальная форма или административный регламент: современные тренды». Вестник Санкт-Петербургского университета. Право 1: 42–51.
8. Стрювич М.С. Курс советского уголовного процесса. В 2-х т. Т.1. -С.51-52. Советский уголовнопроцессуальный закон и проблемы его эффективности /Под ред. В.М.Савицкого. -С. 16-17; Манова Н.С. Уголовно-процессуальное производство и его место в структуре

процессуальной формы //Ж.правовая политика и правовая жизнь. -2001.
-№1. -С.145; Уголовный процесс. Учебник для вузов /Под ред.
А.С.Кобликова. -С.9.